Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*60721200 –Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (трикотаж)*

**бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари**

Тошкент

ЎзР ОУМТВ
Буйрук № 356
«18» 08 2021 йил

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти
- “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси

**ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «17» 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «18» 08 даги 356 - сонли буйруғи билан тасдиқланган

**ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

# МУНДАРИЖА


| Т/р | | бет |
|---|---|---|
| **1.** | ***60721200 –Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (трикотаж)* бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи** ......... | 5 |
| 1.1. | Қўлланиш соҳаси......... | 5 |
| 1.1.1. | *60721200 –Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (трикотаж)* таълим йўналиши Малака *талабининг қўлланилиши*......... | 5 |
| 1.1.2. | Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари......... | 5 |
| 1.2. | *60721200 –Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (трикотаж)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи......... | 5 |
| 1.2.1. | *60721200 –Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (трикотаж)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари......... | 5 |
| 1.2.2. | *60721200 –Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (трикотаж)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолияларитининг объектлари......... | 6 |
| 1.2.3. | *60721200 –Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (трикотаж)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари......... | 6 |
| 1.2.4. | *60721200 –Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (трикотаж)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари......... | 6 |
| **2.** | ***60721200 –Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (трикотаж)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг компетенцияларига қўйиладиган талаблар**......... | 8 |
| 2.1. | Умумий компетенциялар......... | 8 |
| 2.2. | Касбий компетенциялар......... | 9 |

Библиографик маълумотлар........................................................................ 10

Келишув варағи........................................................................................

## 1. *60721200 –Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (трикотаж)* бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

***60721200 –Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (трикотаж)*** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

### 1.1. Қўлланиш соҳаси

**1.1.1.** ***60721200 –Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (трикотаж)*** **таълим йўналиши**.

Малака талаби *60721200 –Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (трикотаж)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учуй талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2.** Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўқув режа ва ўқув дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатни назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

### 1.2. *60721200 –Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (трикотаж)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

**1.2.1.** ***60721200 –Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (трикотаж)*** **таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

*60721200 –Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (трикотаж)* бакалавриат таълим йўналиши – фан, ишлаб чиқариш ва техника соҳасидаги йўналиш бўлиб, хом ашё, ёрдамчи материаллар ва маҳсулотларнинг сифатини назорат қилиш, трикотаж мато ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича технологик ечимларни ишлаб чиқиш, излаш, тайёрлаш, тадқиқ қилиш, трикотаж матоларини ишлаб чиқариш технологик жараёнларни муқобиллаштириш билан боғлиқ касбий соҳалар мажмуасини қамраб олади.

**1.2.2. *60721200 –Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (трикотаж)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

-давлат ва нодавлат ташкилот, корхона ва муассасалар, компаниялар (фирмалар), ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқалар;

-меҳнатни ташкил этиш, меҳнат бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, меҳнат муносабатларини тартибга солиш, меҳнатни моддий рағбатлантириш ва муҳофаза қилиш жараёнлари.

*60721200 –Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (трикотаж)* бакалавриат таълим йўналиши бўйича битирувчилар педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин, профессионал таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш бўйича педагогик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бакалавриатнинг касб таълими йўналишлари бундан мустасно.

**1.2.3. *60721200 –Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (трикотаж)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- илмий–тадқиқот;
- ишлаб чиқариш;
- ташкилий–бошқарув;
- лойиҳавий–конструкторлик;
- ахборот-таҳлилий фаолият;

**1.2.4. *60721200 –Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (трикотаж)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари:**

*60721200 –Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (трикотаж)* таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

–ишлаб чиқаришда фаолиятни ташкил этиш ва янги билимларни мустақил ўрганиш;

– республика ва хорижда чоп этилган трикотажчилик ва енгил саноати технологияларига оид илмий-техник ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш;

– тўқувчилик технологияси бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажаришда бевосита иштирок этиш;

– мавзу (топширик) бўйича илмий-техникавий маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш;

– илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда қатнашиш.

**Ишлаб чиқариш фаолиятида:**

– трикотаж ишлаб чиқариш ва тайёрлаш бўйича намунавий технологияларни ташкил этиш;

– трикотаж ишлаб чиқариш сифатини назорат қилиш;

– амалий фаолиятда замонавий ахборот технологиялари, компьютер техникаси ва коммуникацион воситаларидан фойдаланиш;

– замонавий технологик жараёнларни қўллаш;

– илмий асосланган тизимларни тавсия этиш ва фойдаланиш;

– трикотаж ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича технологик ечимларни ишлаб чиқиш;

– техника хавфсизлиги қонунларига амал қилиш ва табиий ресурслардан унумли фойдаланиш;

– касбий этика кодексига риоя қилиш.

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

– тўқувчиликда мазкур технологиялар ва техник воситаларидан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини эътиборга олиш ва баҳолаш;

– трикотаж ишлаб чиқариш технологик жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

– замонавий ахборот технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш услублари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

– ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш;

– касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга татбиқ этиш;

– ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

– фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорларини қабул қилиш;

– бирламчи ишлаб чиқариш бўғин ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;

– бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш.

**Лойиҳавий-конструкторлик фаолиятида:**

– трикотаж ишлаб чиқариш технологик жараёнларини лойихалаш, технологик жараёнлар ва мехнатни ташкил этиш ва ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш;

– трикотаж технологияси бўйича бошлангич маълумотларни тайёрлаш;

– лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чикиш;

– амалиётда ахборот технологияларнинг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий услубларни, инструментал ва хисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда қўллаш.

**Ахборот-таҳлилий фаолиятида:**

-бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ташкилотнинг ташқи ва ички муҳити омиллари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;

-қарор қабул қилиш, фаолиятни режалаштириш ва бошқариш учун маълумот тўплаш, ташкилотнинг ички ахборот тизимини яратиш ва унинг ишлашини бошқариш;

-ташкилотнинг ички ҳужжат айланиш тизимини ишлаб чиқиш ва бошқариш, ташкилотлар фаолиятини турли кўрсаткичлари бўйича маълумотлар базасини юритиш;

-лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш;

-ахборот-таҳлил фаолияти натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш;

-бошқарув қарорларининг самарадорлигини баҳолаш.

## 2. *60721200 –Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (трикотаж)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг компетенцияларига қўйиладиган талаблар

### 2.1.Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иктисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига хос ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тассаввурга эга бўлиш.

**2.2.Касбий компетенциялар:**

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;

-трикотаж корхоналарида маҳсулот сифатини бошқариш усулларини қўллаш;

-трикотаж ҳалқаси тузилиши, ҳалқа ҳосил қилиш жараёни ва унинг усуллари, тўқималарнинг тузилиши ва шаклланиши, тасниф асосида трикотаж ўрилишларнинг турларини ва унинг махсулот сифатига таъсирини, маҳсулот ишлаб чиқариш усуллари бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлиш;

-трикотаж ўрилишларнинг турларини, нақш турлари, ҳосил бўлиши ва такрорланишларининг моҳиятини, турли трикотаж технологик ўлчамларини лойиҳалашни ва донали трикотаж маҳсулотлари ва маҳсулот ишлаб чиқариш усуллари бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлиш;

-тизимли ёндошув механизмларини тадбиқ этиш;

-дастурий таъминот, ахборот-коммуникация технологияси ва инженерияси;

-аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг самарали шаклларини тадбиқ этиш;

-компьютер технологиялари ва дастурланиш;

-меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни самарали бошқариш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

-корхонада маҳсулот сифатини яхшилаш чораларини кўриш.

## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7 Гурух Т 55

ОКС 01.040.01

---

**Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриатнинг асосий ўқув режа ва ўқув дастурлари, профиль, ўкиб-ўрганиш натижалари, тармоқлар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриатнинг ўқув жараёни, тўқимачилик маҳсулотлари, тўқимачилик саноати технологияси, трикотаж ишлаб чиқариш саноати технологияси, трикотаж маҳсулотлари технологияси, халқа ҳосил қилиш жараёнлари, трикотаж машинаси ишчи аъзолари, игнадон, игна, платина, тўқув системаси клинлари, ип берувчи мослама гладь, ластик, интерлок, хосила трикотаж тўқималари, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чикаришш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.

## КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

**ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:**

**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти**

Ректор ________________ **И.Сабиров**

2021 йил «02» 08

М.Ў.

**КЕЛИШИЛДИ:**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва технологияларни татбиқ этиш маркази**

Директор в.б. _________ **М.Эсанов**

2021 йил «____» ___________

М.Ў.

**Наманган муҳандислик-технология институти,**

Ректор __________ **О.Маматкаримов**

2021 йил «04» 08

М.Ў.

**“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси раиси ўринбосари**

____________ **М.Сагатов**

2021 йил «05» 08

М.Ў.

**“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси раис маслаҳатчиси**

__________ **Д.М.Мухамедова**

2021 йил «____» 08

М.Ў.